

Куфр ва нифоқ

14:52 / 28.04.2017 2207

Мунофиқ кофирдан ҳам хатарли бўлиб, унинг зарари кофирниқидан кўра хавфлироқдир. Шунинг учун охиратда унинг азоби кофирниқидан кўра қаттиқроқ бўлади. Қуръони каримда шундай дейилган:

**(145) أَرِيصَن مُمْؤَل دَجَت نَن لَو رَان لَان مَل فَسْأَلَا كُرْدَلَا يَفَن ي ق فَا ن مْلَان ن
لَل مُمْؤَل ن ي د ا و ص ل ح ا و ء ل ل ا ب ا و م ص ت ع ا و ا و ح ل ص ا و ا و ب ا ت ن ي د ل ا ل ا ل ا
(146) ا م ي ط ع ا ر ح ا ن ي ن م م م ل ا ء ل ل ا ت و ئ ي ف و س و ن ي ن م م م ل ا ع م ك ئ ل و ا ف**

Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар. Уларга (бирор) ёрдамчи топмайсиз. Илло, тавба қилиб ўзларини тузатган, Аллоҳ билан боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилганлар, айнан улар мўминлар билан бирга бўлурлар. Мўминларга эса Аллоҳ буюк мукофот ато этур. (Нисо;145-146)

Аллоҳ таоло Анфол сурасида кофирнинг авф қилинишига куфрдан тўхташни шарт қилган эди:

... فَالَسْ دَق ا م مُمْؤَل رَفْعِي ا و ء ت ن ي ن ا ا و ر ف ك ن ي د ل ل ل و ق

Куфр келтирганларга айт, агар тўхтасалар, ўтган нарсалар мағфират қилинур. ... (Анфол;38)

Мунофиқлар ҳақидаги юқоридаги оятда эса мунофиқнинг авф қилинишига тўртта нарсани шарт қилган:

... ء ل ل مُمْؤَل ن ي د ا و ص ل ح ا و ء ل ل ا ب ا و م ص ت ع ا و ا و ح ل ص ا و ا و ب ا ت ن ي د ل ل ا ل ا ل ا

Илло, тавба қилиб ўзларини тузатган, Аллоҳ билан боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилганлар, ... (Нисо;146)

- 1. тавба қилиш**
- 2. Ўзларни тузатиш**
- 3. Аллоҳга боғланиш**
- 4. Ихлос. Яъни, динларини Аллоҳ учун холис қилиш**

Шундан маълум бўладики, мунофиқлар кофирлардан кўра ёмонроқ, Аллоҳнинг ғазабига ҳақлироқ ва Аллоҳга қайтишдан, Унга тавба қилишдан узоқроқдирлар. Оятнинг сўзларига эътибор қаратайлик. Аллоҳ таоло қаттиқ ғазаб қилгани учун улар тавба қилганидан кейин ҳам уларни “улар мўминлар”, деб зикр қилмади, балки “улар мўминлар билан бирга” деб зикр қилди:

... نِيْمٌ مُّؤْمِنًا مَّكْتَلًا وَأَف

... айнан улар мўминлар билан бирга бўлурлар. (Нисо;146) деди. Ва яна уларнинг тавба қилганларини мўминлар билан жамлаб зикр қилмади. Яъни, “уларга Аллоҳ буюк мукофот ато этур” дейишнинг ўрнига:

أَمْ يَطْعَانِ نِيْمٌ مُّؤْمِنًا لَّيْلًا نَّوِيًّا فَوَسَو

“Мўминларга эса Аллоҳ буюк мукофот ато этур”. (Нисо;146) деб, мўминларни улардан ажратиб зикр қилди. Буларнинг барчаси уларнинг қилмишлари нақадар ёмон экани ва уларга Аллоҳнинг ғазаби ўта қаттиқлигига далолат қилади.

Қудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси